



ЎЗБЕКИСТОННИНГ СANOAT ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Маҳмудов Мираббос Фазлиддинович -
PhD, доцент, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва
худудий тадқиқотлар институти
докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a44

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда саноат ривожланишининг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш учун саноат салоҳиятини доимий баҳолаш талаб этилади. Чунки саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти мамлакат иқтисодиётининг ривожланишидаги асосий кўрсаткичлардан биридир. Мақолада статистик маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқариш салоҳияти баҳоланган ва баҳолаш услубиёти таклиф этилган. Корреляцион ва регрессион таҳлилларни амалга ошириш орқали саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш муаммолари ҳал этилган. Ўрганилган омилар Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишга имкон берган.

Калим сўзлар: саноат, саноатнинг ривожланиши, саноат салоҳияти, саноат тенденциялари, ишлаб чиқариш салоҳияти, корреляция ва регрессион таҳлил, маҳаллийлаштириш, саноат стратегияси.

ОЦЕНКА ПОТЕНЦИАЛА ПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА УЗБЕКИСТАНА

Маҳмудов Мираббос Фазлиддинович -
PhD, доцент, Докторант Института макроэкономических
и территориальных исследований при
Кабинете Министров Республики Узбекистан

Аннотация. Для определения перспектив развития стратегия и активизации взаимодействия в сфере промышленности Республики Узбекистана необходимо оценить производственный потенциал территории, поскольку именно производство оказывает определяющее влияние на социально-экономическое развитие региона. В статье на основе статистических данных проведен анализ производственного потенциала Республики Узбекистана, рассмотрен алгоритм его расчета. Решена проблема оценки эффективности производства путем применения регрессионного анализа.

Ключевые слова: промышленность, промышленное развитие, промышленный потенциал, Промышленное развитие, промышленные тенденции, производственный потенциал, корреляционно-регрессионный анализ, максимизация, промышленная стратегия

ASSESSMENT OF INDUSTRIAL PRODUCTION POTENTIAL OF UZBEKISTAN

Mahmudov Mirabbos Fazliddinovich -
PhD, Associate Professor, Doctoral student of the Institute of
Macroeconomic and Territorial Studies under the
Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Annotation. To determine the prospects of development and enhanced interaction in the industry of Uzbekistan it is necessary to evaluate the production potential of the area, as it is the production that has a decisive influence on the region's socioeconomic development. Using the statistic data the article makes an analysis of the production potential of Republic of Uzbekistan, considers the algorithm of its calculation. It solves the problem of production efficiency evaluation through the regression analysis. The factors-attributes under investigation allow to evaluate their impact on the industrial production development, as well as to obtain a comprehensive assessment of industry in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: industry, industrial development, industrial potential, Industrial Development, Industrial Trends, production potential, correlation and regression analysis, maximization, industrial strategy

Кириш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг ҳозирги босқичида саноат салоҳиятини ошириш механизмларини такомиллаштириш, жумладан, худудлар ва саноат тармоқларининг иқтисодий салоҳияти даражасини доимий мониторинг қилиб бориш, саноат салоҳиятини оширишга қаратилган модернизация дастурларини

қабул қилиш ва бу борада мақсадли стратегияларни ишлаб чиқиш масаласини ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, “давлатнинг инновацион янгилашиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан са-

марали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим”лиги [1] асосий вазифа сифатида белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, энг аввало, мамлакатимиз минтақаларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ошириш, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган мақсадли стратегияларни белгилаш кун тартибиде турибди.

Саноат тармоғининг ривожланиши Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳолда, ЯИМда тармоқлар қўшилган қийматининг 27,2 фоизи, иқтисодиётдаги жами бандликнинг 14 фоизи ҳамда иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 40 фоизи мазкур тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан 2018 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлақ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,4 ф.п. даражасида баҳоланди [2].

Мазкур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда республикамиз саноат салоҳиятининг ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш, унинг барқарор ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосида саноат салоҳиятини оширишнинг мақсадли стратегияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Илмий адабиётларда “иқтисодий салоҳият” тушунчасининг бир қанча талқинлари мавжуд. Иқтисодиётнинг асосий категорияларидан бири сифатида иқтисодий салоҳият хўжалик юритишнинг турли даражаларидаги ривожланиш ҳолати ва имкониятларини ифодалайди. Макроиқтисодиётда иқтисодий салоҳият бозор муносабатлари жараёнида товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва мавжуд ресурслардан мақбул фойдаланиш каби жамиятнинг умумий имкониятлари сифатида тушунилади [3].

“Салоҳият” тушунчаси латинча “*potentia*” сўздан келиб чиққан бўлиб, “имконият, куч, кудрат” деган маъноларни билдиради. Бир қатор иқтисодий луғатда “салоҳият” тушунчаси “мавжуд воситалар мажмуи”, “ҳар қандай соҳадаги имкониятлар” мавжуд манбалар, восита, захира сифатида таърифланади [4].

Минтақавий иқтисодиётда “Минтақанинг иқтисодий салоҳияти” концепциясини белги-

лашда иккита ёндашув ажратилган: минтақанинг маълум бир вақт давомидаги ресурслари максимал мавжудлиги (эҳтиёжларнинг максимал даражада қондирилиши [5]. Минтақанинг иқтисодий салоҳияти ички ва ташқи эҳтиёжларни максимал даражада қондирадиган реал ва захира ресурслари умумий ҳажмининг ҳолати ҳисобланади.

Умуман олганда, минтақанинг ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланган ҳолда узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлар жараёнида истеъмолчиларнинг саноат маҳсулотларига бўлган талабини шакллантириш, аниқлаш ва қондириш қобилиятини англатади.

Минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш эса ресурсларни мақсадли фаолиятларга сафарбар қилиш, тегишли инфузилмаларни шакллантириш ва зарур чораларни ишлаб чиқиш асосида ривожланиш йўналишларини белгилаш ҳисобланади. Минтақанинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли стратегиясини ишлаб чиқиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш эса илмий асосга эга бўлиши, иқтисодий салоҳиятни оширишга ижобий таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиши талаб этилади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Ғ.С.Расулов томонидан саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти тармоқлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши статистик таҳлил усуллари асосида баҳоланган [6]. Тадқиқот натижалари саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳияти мазкур тармоқларда яратилаётган маҳсулотларга бўлган ички ва ташқи талаб кўламига боғлиқлиги асосланган. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти ва унинг ҳудудлар кесимида ишлаб чиқариш ҳажмини гуруҳлаштириш асосида таҳлили, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар И.Ю.Умаров [7] томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми, улуши, ўсиш динамикаси, ҳудудларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти, ўсиш динамикаси ҳудудлараро ва республика кўрсаткичлари асосида саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш борасида индексли усуллардан фойдаланиш асосида баҳолаш амалиёти Б.Б.Салимов [8] томонидан киритилган.

Ўзбекистон саноат тармоғининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни, унинг барқарор ривожланиши, тармоқнинг инновацион фаолияти ҳамда бошқаруви самарадорлиги масалалари

Д.Г.Мамаджонов [9] тадқиқотларида, худудларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича салоҳияти Р.Ташматов [10] томонидан статистик таҳлиллар асосида баҳоланган.

Ўзбекистон саноатини модернизациялашнинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммоларига бағишланган ҳамда саноат меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва бутун миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишнинг техник ва технологик асоси эканлигини Ж.Қ.Қурбонов ўз тадқиқотлари орқали аниқлашга ҳаракат қилган. Саноат салоҳиятини ошириш энергия сиғимдорлиги, CO₂ чиқиндиси, хорижий инвестициялар каби омилларнинг ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган [11].

Мамлакатимиз олимлари томонидан саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолашда иқтисодий-математик моделлардан фойдаланиш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.


Кўп омилли корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари асосида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш орқали саноатнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва натижага таъсири даражасини аниқловчи энг муҳим омилларни кўрсатиб бериш имкониятлари мавжуд.

Саноатнинг ривожланиш тенденцияларини бир қатор йўналишлар бўйича баҳолаш йўналишлари С.О.Ҳомидов тадқиқотларида амалга оширилган. Унинг тадқиқотларида саноат тармоғининг ривожланиш тенденциясини комп-

лекс ифода этувчи кўрсаткичлар тизими (глобал даража (жаҳон), макродаража (мамлакат), минтақа даражаси (худуд), мезодаража (тармоқ), микродаража (корхона) ҳамда нанодаража (маҳсулот)) 6 босқичи ажратилган [12]. Саноат тармоғи ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, жараёнлари ва уларни тадқиқ этишнинг миқдорий усуллари тизимлаштирилган.

Саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолашда корреляцион ва регрессион таҳлил усулларида фойдаланиш борасида хорижий мамлакатлар олимлари томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, таққосланадиган ва реал маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ресурс таъминоти ҳамда уларни шакллантирувчи омилларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга таъсири регрессион таҳлил усуллари асосида П.С.Тарасов томонидан баҳоланган.

Тадқиқот методологияси. Саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолашда, аввало, баҳолаш усулини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Белгиланган вазифа эса саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини ташкил этувчи ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни таснифлашдан иборат. Таснифларни амалга оширишда, фикримизча, эрксиз ўзгарувчи сифатида мамлакат, худуд ёки тармоқ доирасида ёхуд корхонада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларини қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Қуйидаги расмда саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолаш босқичлари келтириб ўтилган (1-расм).



1-расм. Саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисоблаш босқичлари [14]

Саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисоблаш макродаража (мамлакат) миқёсида амалга оширилади. Унда республика саноатининг ривожланиши бўйича 2010-2022 йиллар маълумотларидан фойдаланилади. Корреляцион ва регрессион таҳлил натижаларини ҳисоб-

лаш учун “SPSS Statistical” ҳамда “Excel” дастурларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Саноат салоҳиятини баҳолашда регрессион таҳлилнинг энг кичик квадратлар усули ҳамда индекс баҳолаш усулларида фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар. Саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини баҳолашда боғлиқ ўзгарувчи сифатида танланган Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (Y; млрд. сўм) ва мустақил ўзгарувчилар сифатида белгиланган саноатда бандларнинг ўртача

сони (X₁; минг киши), саноатга киритилган инвестициялар (X₂; млрд. сўм), ўртача иш ҳақи (X₃; минг сўм) кўрсаткичларининг 2010-2022 йиллар давомидаги ўзгаришларини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида 1-жадвалда ифодалаймиз.

1-жадвал

Модель учун танланган кўрсаткичлар [15]

Йиллар	Y	X ₁	X ₂	*X ₃
2010 й.	11028,6	616,7	1032,4	92,8
2011 й.	14640,3	614,7	1384,6	128,5
2012 й.	18447,6	618,3	2223,2	184,4
2013 й.	23848,0	600,4	3293,8	199,9
2014 й.	28387,3	579,0	3556,9	397,5
2015 й.	38119,0	611,6	4659,9	537,9
2016 й.	47587,1	644,2	6070,3	680,7
2017 й.	57552,5	670,5	7794	862,7
2018 й.	70634,8	680,3	9813,4	1088,8
2019 й.	84011,6	682,4	13164,5	1280,4
2020 й.	97598,2	685,1	15047,3	1549,4
2021 й.	111869,4	702,8	16165,5	1 863,8
2022 й.	144185,3	1825,2	26630,9	2091,7

*Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорларига нисбатан 2021-2022 йиллар [16] асос сифатида, 2010-2020 йиллар таққослама ҳисобланди.

1-жадвалда келтириб ўтилган маълумотларда регрессия тенгламасининг “Excel” дастуридан фойдаланиб, энг кичик квадратлар усулида чизиқли функцияси тенгламаси тузилади. Энг кичик квадратлар усулининг моҳияти ҳисобланган ва кузатилган катталиклар орасидаги тафовутнинг квадрат чекланишларини минималлаш-

тиришдан иборат. Ҳисобланган катталиклар танлаб олинган регрессия тенгламаси орқали топилади. Ҳақиқий кўрсаткичлар ва ҳисобланган кўрсаткичлар орасидаги фарқ қанчалик кичик бўлса, регрессия тенгламаси асосида тузилган функция шунчалик аниқ бўлади [13].

2-жадвал

“Excel” дастуридан фойдаланиб олинган статистик кузатув натижалари

<i>Регрессион таҳлил статистикаси</i>	
Корреляция коэффиценти R	0,99
Детерминации коэффиценти R ²	0,99
Нормаллашган детерминации коэффиценти R ²	0,99
Стандарт хатолик	1314,6
Кузатувлар сони	13

Белгилашлар	Коэффициентлар	Стандарт хатолик	t-статистика	P-аҳамиятлик коэффиценти
Y	7848,62	2278,60	3,44	0,0073
X ₁	-1,25	4,15	-0,30	0,7701
X ₂	2,40	0,57	4,21	0,0022
X ₃	35,80	4,91	7,29	0,0000

Олинган натижалар асосида қуйидаги кўп омилли регрессия функциясини тузамиз:

$$\Delta Y = 7848,6 - 1,25 X_1 + 2,4 X_2 + 35,8 X_3 \quad (1)$$

Бу ерда:

ΔY – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

X_1 – саноатда бандларнинг ўртача сони;

X_2 – саноатга жалб қилинган инвестициялар;

X_3 – ўртача иш ҳақи;

Олинган (1) функцияга кўра, боғлиқ ўзгаришчи Y (саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми)нинг ошишига саноатда бандларнинг ўртача сони салбий, саноатга киритилган инвестициялар ва ўртача иш ҳақи ижобий таъсири мавжуд. Модель натижалари асосламоқдаки, саноат салоҳиятининг ошиши саноатда ўртача иш ҳақини оширишга юқори ижобий таъсир кўрсатади, яъни ўртача иш ҳақининг бир бирлик (минг сўмга) ошиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 35,8 бирликка ошиши кузатилади. Детерминация коэффициентини натижаси $R^2 = 0,99$ ни ташкил этди ва бу ҳолат модель натижалари асосида ҳисобланган коэффициентларнинг 99 фоиз эҳтимоллик билан асосланишини англатади.

Регрессион таҳлил натижасида олинган функция саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини “назарий натижа” [18] сифатида акс эттира-

ди. Ўзбекистон Республикаси бўйича саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти реал қийматлари ва регрессия натижасидан олинган “назарий натижа”ларнинг ўзаро нисбати эса саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ўзгаришларини акс эттиради (2). Агар $ИЧС \geq 1$ бўлса, республикада саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилаётганлигини, $ИЧС \leq 1$ бўлса, саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарасиз фойдаланилаётганлигини билдиради.

$$ИЧС_i = Y/\Delta Y \quad (2)$$

Бу ерда:

$ИЧС_i$ – ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш индекси;

Y – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, млрд. сўм;

ΔY – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг назарий натижаси.

Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг реал ҳажми ва регрессион таҳлил натижасида олинган функция асосида ҳисобланган “назарий натижа”ларни ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш индексини ҳисоблаб, 3-жадвалда ифодалаймиз.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2005-2017 йилларда саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражаси баҳоси [14]

Йиллар	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, млрд. сўм (Y)	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг назарий натижаси (ΔY)	Ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш индекси ($ИЧС_i$)
2005 й.	11028,6	12871,93	0,857
2006 й.	14640,3	14996,14	0,976
2007 й.	18447,6	19001,65	0,971
2008 й.	23848	22143,61	1,077
2009 й.	28387,3	29874,35	0,950
2010 й.	38119	37501,88	1,016
2011 й.	47587,1	45951,71	1,036
2012 й.	57552,5	56563,25	1,017
2013 й.	70634,8	69482,49	1,017
2014 й.	84011,6	84366,5	0,996
2015 й.	97598,2	98503,13	0,991
2016 й.	111869,4	112414,6	0,995
2017 й.	144185,3	144238,5	1,000

Ўзбекистон Республикасида 2010-2022 йилларда саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш индексини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2010-2017 йиллар давомида бирдан кичик қийматларни қабул қилган. 2013 йилда саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилган. 2015-2018 йиллар давомида саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш индекси бирдан юқори қийматларни қабул қилгани ҳолда самарадорлик юқори бўлган. 2019-2021 йиллар давомида эса яна пасайиш тенденцияси кузатилиб,

2022 йилда эса ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилган, саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш индексининг умумий тенденциясига деярли юқори фарқлар кузатилмаган. Ушбу ҳолат республикада амалга оширилаётган саноатни ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш лозимлигини белгилаб бермоқда.

Фикримизча, ишлаб чиқариш салоҳияти индекси бўйича ҳисоблаш усулидан нафақат республика миқёсида саноат ишлаб чиқариш сало-

хиятидан фойдаланиш даражасини қиёсий таҳлил қилиш, балки ҳудудлар ҳолатига ҳам баҳо бериш имконияти мавжуд. Саноатни барқарор ривожлантириш ва саноат салоҳиятини оширишга қаратилган энг муҳим стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам ушбу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар. Ҳудудлар саноатини мутаносиб ривожлантириш ва самарали жойлаштириш стратегиясини белгилашда, саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишда келтириб ўтилган услубий ёндашувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Респуб-

ликасида саноатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишда мавжуд имкониятлар ва ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омилларини инobatга олган ҳолда амалга ошириш лозимлигини англади. Шунга кўра, Республикада саноатни ривожлантиришга қаратилган мақсадли лойиҳалар ва стратегияларни белгилашда таклиф этилган моделдан фойдаланиш, ҳудудларда саноатни мутаносиб ривожлантиришга эришиш имкониятларини оширишга, минтақалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш кучларидан мақсадли фойдаланишни юзага чиқаради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/ochiq-malumatlar/umumiy-malumatlar/443/>
3. Tarasov P.S. Evaluation of the production potential of the. *Regionalnaya ekonomika: teoriya i praktika - Regional Economics: Theory and Practice*, 2009, no. 35 (128), pp. 8-15 (In Russian).
4. Шаназарова Г.Б. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини баҳолашнинг айрим назарий масалалари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2017 йил. <http://www.iqtisodiyot.uz>.
5. Ябжанова Т.Г. Оценка производственного потенциала Республики Бурятия. // *Региональная и отраслевая экономика*. 2014. № 5. <http://eizvestia.isea.ru>.
6. Расулов Ф.С. Саноат тармоғини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. // "XXI аср: фан ва таълим масалалари" илмий-электрон журнали. 3-сон, 2018 йил.
7. Умаров И.Ю. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 6-сон, ноябрь-декабрь, 2018 йил.
8. Салимов Б.Б. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 3-сон, май-июнь, 2018 йил.
9. Мамаджонов Д. Г. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат тармоғининг бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнали. 3-сон, июнь, 2018 йил.
10. Ташматов Р. Ҳудудларда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2017 йил.
11. Қурбонов Ж.Қ. Саноатни модернизациялаш Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш воситаси сифатида. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2-сон, март-апрель, 2017 йил.
12. Хомидов С.О. Саноатнинг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Иқ. фанлари бўйича (PhD) дисс. авт. 08.00.06 - Эконометрика ва статистика. ТДИУ. 2017 й.
13. Бозорова Ф.А. Солиқ тушумларини прогностлаш усулларининг назарий асослари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнали. 3-сон, июнь, 2018 йил.
14. Муаллиф ишланмаси.
15. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.
16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида бандлик ва меҳнат бозори. <https://stat.uz/uploads/docs/bandlik17-uz.pdf>
17. Бозорова Ф.А. Солиқ тушумларини прогностлаш усулларининг назарий асослари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнали. 3-сон, июнь, 2018 йил.



MAHSULOTLARNI DIVERSIFIKATSIYALASH ASOSIDA TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a45

Muxtarov Maxmudjon Marifovich -
 Andijon mashinasozlik instituti
 Iqtisodiyot kafedrasi o'qituvchisi (PhD)

Annotatsiya. Ushbu maqolada sanoat korxonalarining rivojlanish xususiyatlari, bugungi kundagi mavjud holati, shuningdek, ishlab chiqarish natijalariga diversifikatsiya omili ta'siri o'rganilgan. Muallif mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish, sanoatning iqtisodiy natijalarini yaxshilash va iqtisodiy samaradorlikni oshirish bo'yicha mulohazalar yuritadi.

Kalitli so'zlar: sanoat, korxonalar, samaradorlik, ishlab chiqarish, baholash, diversifikatsiya, fond qaytimi, kapital qaytimi, rentabellik, modernizatsiya, iqtisodiyot.